

744 - وَعَنْ أُمَّيَّةَ بْنِ مَخْشِيِّ الصَّحَابِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَالِسًا، وَرَجُلٌ يَأْكُلُ، فَلَمْ يُسْمِمِ اللَّهَ حَتَّىٰ لَمْ يَبْقَ مِنْ طَعَامِهِ إِلَّا لُقْمَةً، فَلَمَّا رَفَعَهَا إِلَى فِيهِ، قَالَ: بِسْمِ اللَّهِ أَوَّلَهُ وَآخِرَهُ، فَصَحِّلَ النَّيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ قَالَ: «مَا زَالَ الشَّيْطَانُ يَأْكُلُ مَعَهُ، فَلَمَّا دَكَرَ اسْمَ اللَّهِ اسْتَفَاءَ مَا فِي بَطْنِهِ». رَوَاهُ أَبُو ذَوْدَ، وَالنَّسَائِيُّ [د 3768، سك 6725].

744. Умайя ибн Махший саҳобий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар, бир киши овқатланаетган эди. У таомидан бир луқма қолгунича Аллоҳнинг исмини зикр қилмади. Кейин ўша луқмани оғзига солаётиб, «Бисмиллаҳи аввалиҳу ва ахироҳу», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулиб юбордилар-да, сўнг: **«Шайтон у билан бирга еяётган эди, у Аллоҳнинг исмини зикр қилган эди, қорнидагини қайт қилиб юборди»**, дедилар».

*Абу Довуд ва Насаий ривояти.*

**Шарҳ:** Бу ҳам ҳамма учун кўргазмали дарс. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бор жойдаги ҳар бир ўтириш, ҳаракат ва сакинат ҳамманинг диққат эътиборида бўлиши маълум.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган жойда бир одам «Бисмиллаҳи»ни айтмай таом тановул қила бошлади. Ҳамма дамини ичига ютиб нима бўлар экан, деб кутиб турди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, индамас эдилар. Ҳалиги киши эса, таом емоқда давом этар эди. Энди нима бўлади? Бирдан, атиги бир луқма таом қолганда ҳалиги кишининг эсига тушиб қолиб:

**«Бисмиллаҳи аввалиҳу ва ахироҳу» деди».**

**Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар ва:**

**«Шайтон у билан таом еб турди. Қачонки, Аллоҳнинг исмини зикр қилганда қориндаги нарсани қусиб юборди», дедилар».**

Демак, «Бисмиллаҳи»ни айтмай таом еган одам билан бирга унинг таомидан шайтон ҳам қўшилишиб еб тураг экан.

Бу эса гуноҳ, таомнинг баракасини қочиришdir. Шунинг учун бу масалага жуда эҳтиёт бўлмоқ керак. Мабодо, аввалида айтиш эсдан чиқиб қолган бўлса ҳам, эслаган заҳоти айтмоқ лозим.

Овқатланишнинг исломий маданияти бошида Аллоҳнинг исмини зикр қилиб, сўнг таом емоқни бошлаш туради.

Албатта, таом Аллоҳ таоло томонидан бандага бериладиган улкан неъмат экани ҳеч кимга сир эмас. Доимо Аллоҳни эслаб туриши лозим бўлган банда учун неъматга эришган пайтда неъмат берувчи Зотни эслаш зарурати яна ҳам ортади. Ана шундоқ пайтда Аллоҳни—неъмат берувчи зотни эсидан чиқарган одам хато қилган бўлади. Агар ўзи эслаб, хатосини тўғриласа, яхши. Агар унинг эсига тушмаса, атрофдагилар унга эслатиб қўймоқлари лозим. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо шундоқ қилганлар.

Бу ҳадиснинг шарҳида айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу кишининг «Бисмиллаҳ»ни тарк қилганини иш охирида билдилар. Агар аввалда билганларида жимтурmasдан эслатар эдилар».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

